



## ЁШЛАР МАЊНАВИЯТИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

*Бахтигул Мамадаминова*

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти”  
миллий тадқикот университети доценти

**Аннотация:** Юртимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиши борасида ибратли шилар амалга оширилмоқда. Бу эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори тобора мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Асосий қонунимизда халқимизнинг миллий ва маданий анъаналари, барча ижтимоий гурӯҳлар ва қатламларнинг ҳамда муқаддас ҳисобланган оиланинг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократик принципларни қарор топтириши белгилаб қўйилган.

Оила - жамият пойдевори. Мустаҳкам пойдевор эса жамиятнинг барқарорлиги, осойишталиги, давлатнинг келажаги демакдир. Оламда барча нарса жуфт-жуфт бўлиб яратилган. Жуфт бўлиб яшаш табиат қонуни, тақозоси. Лекин оила бўлиб яшаш барча маҳлукотлар орасида фақат одам наслига хосдир. Оила – бу эркак билан аёлнинг ўзаро розилиги асосида қонуний равища никоҳдан ўтиб, турмуш ҳаётини бирга қуришлари илиа ташкил бўлади ва жамиятимиз келажаги бўлган қобил фарзандларни тарбиялайдиган, уларнинг ўсиб-улғайишига асосий замин бўлиб хизмат қиласидиган маконга айланади. Инсонларнинг саодатли, баҳтили бўлиши ҳам оиласи тарбия боғлиқ.

Оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи бўғини, заррачаси. Жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади. Эр ва хотин – икки тирик вужуднинг, икки оламнинг ўзаро иттифоқидан пайдо бўлган учинчи бир олам – бу оила. Агар оила тинч-тотув, аҳил бўлса, олам тинч ва обод. Оила покликка ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак. Бу фарзандлар тарбияси учун муҳим омил ҳисобланади.

Шахс мањнавияти, унинг дунёқараси, эътиқодига кўнималар мажмуи асосан оиласи шаклланади. Шу мањнода, оила – ҳақиқий мањнавият ўчоғи ва қўргони, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий ғоямиз, мафкурамизга хос юксак туйғулар илк бор оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

Оила, унинг асрлар мобайнида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, иймон-эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, илмга иштиёқ, меҳнатсеварлик кўнималари шаклланади.

Шундай қилиб, оила – жамиятнинг асосий бўғини. Оиласи сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Биринчи Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-аҳлоқий аҳамияти, қадр-қимматини англаб етмасдан, оиласи миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндошмасдан



туриб, халқчил мафкура яраты олмаймиз”<sup>1</sup>. Яъни маънавий соҳадаги вазифаларимизни мувваффақиятли амалга оширолмаймиз.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда оилани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Асосий қонунимизнинг “Оила” деб аталган 14-бобида қўйидаги қоидаларни ўқишимиз мумкин:

“63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга... 64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар... 65-модда. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”<sup>2</sup> ва бошқалар.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни – Конституцияда фарзандларнинг жамият, оила, ота-оналари олдидағи инсоний бурчлари ва масъулиятлари нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилган. Унинг 66-моддасида қайд қилинишича, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳакида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар<sup>3</sup>.

Демак, ҳар бир фарзанднинг ўз ота-онасини эъзозлаши фарзандлик бурчи ва жамият олдидағи масъулияти саналади. Ота-онани эъзозлашнинг қўйидаги шарқона талабларига ҳаммамиз амал қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарз, фарзандлик бурчимиздир. Ота-онага таом бериш, озода қилиб кийинтириб қўйиш, касал бўлганида шифокорга кўрсатиш, керакли дори-дармонларни келтириб бериш, доимо ҳол-аҳвол, сиҳат-саломатликларини сўраб туриш, ота-она олдида “ух” тортмаслик, гердаймаслик лозим бўлади. Ота-она норози бўлган ишни қилмаслик, ароқ ичма, гиёҳвандлик қилма, ёмонга қўшилма, деса уни қилмаслик ва қўшилмаслик керак бўлади. Кўчада юрганда отадан олдин юрмаслик, отадан аввал овқатга, дастурхонга қўл узатмаслик, отадан аввал ўтираслик, отадан кўра пойгакда ўтириш, отани олдида оёқни узатиб ёнбошлаб олиш бизнинг аҳлоқ-одобимизга кирмайди. Ота-она чақирганида лаббай деб жавоб қайтариш, нима иш қилаётган бўлса, ҳеч иккиланмасдан дарров уларга жавоб бериш фарзандлик бурчи хисобланади. Шунда ота-она ўз фарзандидан рози бўлади. Ота-онанинг розилигини олган фарзанд барака топади, иши ўнгидан келади, олдига қўйган мақсадига эришади. “Ота рози – худо рози” деган ҳикматда гап кўп. Ота-онаси норизо бўлган фарзанд кечгача юурса ҳам, ишининг баракаси бўлмайди, бири иккига айланмайди. Турмушга чиқиш, уйланишда ота-онанинг розилиги ва оқ фотиҳасини олишда ҳикмат кўп. Юқоридагиларнинг ҳаммаси биз учун бир ҳовуч олтин, хазина. Келгуси ҳаётимиз учун пойдевор қўйиш демакдир. Бу дунё қайтар дунё, нима эксанг, шуни ўрасан. Сиз ота-онангизга нима қилган бўлсангиз, у сизга фарзандларингиздан қайтади. Бу ҳам табиат қонуни бўлса, не ажаб!

Юқорида фарзанднинг ота-она олдидағи бурчи ҳакида фикр юритдик. Ота-онанинг ҳам фарзанд олдидағи бурчи ниҳоятда катта ва масъулиятлидир. Фарзандларнинг келажакда қандай маънавият эгаси бўлиши кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбияга боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзанд олдида ўз оталик, оналик бурчини тўлиқ ҳис этиши, унга жавобгарлигини маънан англаб етиши керак.

Собиқ шўролар даврида узоқ вақт миллий ва маънавий тарбия четга суриб қўйилди. Оқибатда болалар тарбиясида ота-она масъулияти пасайиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2006. – Б. 23.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – Б. 12-13.

<sup>3</sup> Ўша жойда –Б.13.



Ваҳоланки, бола, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида ота-она берадиган тарбия жуда муҳим ўрин тутади. Фарзанд тарбияси қуидаги босқичларда амалга оширилишини ҳар бир ота-она яхши билиши фойдадан холи бўлмайди. **Биринчиси** – насл тарбияси, яъни бола тарбияси – бола туғилмасидан уч-тўрт йил олдин бошланиши керак. Яъни бўлгуси она ва отанинг соғлиғи, фарзанд тарбиялашга масъуллигини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бу бола, фарзанд кўришни истаган ота-онанинг бўлажак фарзандлари тақдирига масъулият билан қараб, ўзларининг саломатликларини яхшилашларини назарда тутади. **Иккинчи босқич** – ҳомиладорлик давриданаги парвариш. Бу масала ўта муҳим, ўта аҳамиятли бўлиб, бизда бу энг қолоқ соҳа бўлиб келмоқда. Ривожланган мамлакатларда ҳомиладорлик даври туғилажак инсон тақдирининг 60 фоизини белгилаши кўзда тутилади. Бу даврдаги чора-тадбирлар аксарият ота-оналар томонидан амалга оширилади. **Учинчи босқич** бола туғилганидан то 6-7 ёшгача бўлган давр. Шу даврга келиб бола маънавиятининг асосий куртаклари шаклланиб бўлади. Сўнг ана шу маънавий куртакларни парваришлаш ва янада ривожлантириш даври бошланади. Демак, бола тарбияси ҳар бир ота-она ва жамиятнинг муқаддас вазифаси ва уни доно ҳалқимиз айтганидек, у ҳали туғилмасидан ота-она, оила аъзолари ва жамият ҳамжиҳатлигига бошлашимиз лозим бўлади.

Маънавий баркамоллик, балки, бешиқдаги алланинг мазмунидан, болани кийинтиришу уни ҳалол луқма билан бошланиши мумкин. Ҳазрати Баҳоваддин Накшбанд айтганларидек, инсондаги яхши феъллар, аъмоллар ҳалол луқмадандир. Демак, ота-она фарзандини ҳалол луқма билан бокса, у фарзанд маънан пок ва ҳалол бўлиб вояга етади. Ҳаёт учун ер, сув, ҳаво, қуёш нури қанчалик зарур бўлса, баркамол авлодни тарбиялаш ҳам шу қадар муҳимдир. Соғлом маънавият ва меҳр-эътибор уйғунлиги ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамоллиги учун ўта зарурдир. Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур.”

Мустакил Республикаизда Оила муносабатларига алоҳида аҳамият берилаётганлигини Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ ўн биринчи сессиясида “Оила кодекси” ҳақидаги қонуннинг қабул қилинишида ҳам кўришимиз мумкин. Давлатимизнинг оиланинг ролини оширишга қаратилган сиёсати албатта фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлади.